



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2026 йил 25 апрель, № 82 (9253)

Шанба Сайтимизга Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 апрель куни жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудуд ва тармоқлардаги иқтисодий ўсиш таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида жорий йилнинг биринчи чорагида эришилган макроиқтисодий натижалар кўриб чиқилди. Хусусан, ялпи ички маҳсулот 8,7 фоизга, sanoat 8 фоизга, хизматлар 16,1 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги 5,1 фоизга ўсди. Экспорт 5,8 миллиард долларни, хорижий инвестициялар ҳажми 13,7 миллиард долларни ташкил қилди. Инфляция йиллик ҳисобда илк бор 7,1 фоизгача пасайди.

Бунинг ҳисобига январь — март ойларида бюджет даромадлари ўтган йилдагига нисбатан 35 фоизга кўпайиб, 103 триллион сўмга етди. Маҳаллий бюджетларда қўшимча 2 триллион 200 миллиард сўм маблағ шаклланди. Мухими, шундан 1 триллион 400 миллиард сўми туман ва шаҳарлар ихтиёрида қолдирилди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий таъминотни халқаро миқёсда янги босқичга олиб чиқиш учун тизимли ислохотлар амалга оширишга қаратилган таъкидлади. Жумладан, келаси ой 2 миллиард 400 миллион долларлик давлат активларининг 30 фоизи илк бор халқаро фонд бозорларига чиқарилиши қайд этилди. Бу Миллий инвестиция жамғармаси ташкил этилиб, 13 та стратегик корхона бошқаруви нуфузли "Franklin Templeton" компаниясига берилгани билан боғлиқ.

Ўтган ҳафта Халқаро валюта жамғармаси эълон қилган ҳисоботда юқори иқтисодий фаоллик орқали Ўзбекистон кучли ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолаётгани қайд этилган таъкидланди. Шунингдек, жорий йил мамлакатимиз нуфузли "Иқтисодий эркинлик индекси" — да 14 поғона юқорилаб, илк бор "иқтисодий таъминот индекси" давлатлар қаторидан юқори олдди.

Шу билан бирга, Президентимиз биринчи чорадаги натижаларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка берилиш мутлақо нотўғри эканини таъкидлади. Глобал зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва етакчилик учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги шароитда дунё иқтисодий таъминоти аввалгидек "сокин" бўлмаслиги, бундай вазиятда барча раҳбарлар ўз иш услуби, ёндашуви ва дунёқарашини тубдан

ўзгартириши зарурлиги қайд этилди. Йиғилишда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалалари алоҳида таҳлил қилинди. Жорий йил банклар орқали ушбу йўналишга 140 триллион сўм йўналтирилмоқда. Кичик бизнесга берилган ҳар 1 миллиард сўм кредит ҳисобига Ширин шаҳрида 20 та, Учқудуқда 17 та, Хонобод ва Сўҳда 14 тадан, Томди туманида 13 та доимий иш ўрни яратилган.

Бироқ Учқўприк, Пискент, Бўстонлик, Кармана, Қўрғонтепа туманларида 1 миллиард сўмлик кредитга ўртача 3 та иш ўрни тўғри келмоқда.

Шу боис кредит ресурсларини тақсимлашда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Соҳа масъулларига туман банкларини сунъий интеллект билан ишлашга ўқитишни бошлаш, банкларда "Сунъий интеллект маслаҳатчиси" платформасини ишга тушириш топширилди. Бу платформа тадбиркорларга кредит олиш учун лойиҳанинг параметрлари, рисклари ва бозордаги талабни таҳлил қилиб, тайёр ечимлар бериши кераклиги таъкидланди.

Тадбиркорлар билан ишлашдаги камчиликлар ҳам кескин танқид қилинди. Айрим раҳбарлар тадбиркор муаммосини ҳал қилиш ўрнига масъулиятдан қочаётгани, масала республика даражасига чиққач, ўзини оқлаш билан овора бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Масалан, Нурафшон шаҳрида бюрократик тўсиқлар сабабли икки йилдан бери қурилишни бошлаш олмаётган тадбиркорга ёрдам бериш ўрнига бу маълумот Президент даражасига қандай етиб борганини қидириш билан овора бўлигани танқид қилинди. Шунингдек, Гуздор, Нарпай, Урганч, Янгийўл, Чиноз туманларида тадбиркорлик инфратузилмаси учун ажратилган 262 миллиард сўм маблағ бўла туриб, лойиҳалар бошланмагани қайд этилди. Тегишли вилоят ҳокимларига бундай раҳбарларнинг лавозимига лойиқлигини кўриб чиқиш топширилди.

Йиғилишда инфляцияни жиловлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари иқтисодий ўсгани

билан агар инфляция ҳам ошса, аҳоли ва тадбиркорлар ҳаётида ижобий ўзгариш сезилмаслигини таъкидлади.

Йил бошидан дунёда нефть нархи 40 фоизга ошди. Зиддиятлар оқибатида логистика коридорлари ўзгариб, маҳаллий маҳсулотлар экспорти ва асосий истеъмол товарлари импортида ташиш харажатлари 25 — 30 фоизга кўпаймоқда. Бу ички нарх-навога қўшимча босим юзга келтирмоқда.

Шу билан бирга, ташқи босимларни баҳона қилиб, инфляция бўйича ишларни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик кераклиги таъкидланди. "Истеъмол савати"даги маҳсулот ва хизматларнинг 70 фоизи маҳаллий экани қайд этилиб, мутасаддилар ва ҳокимларга жорий йилда инфляцияни 6,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш учун маҳаллий маҳсулотлар тақлифини кўпайтириш ва нархларни арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари ҳам атрофлиқ кўриб чиқилди. Логистикадаги узилтирилган оқибатида биринчи чорада қорамол импорти икки қарра камайган. Бунга тезкор ечим сифатида самолётда ташиладиган ҳар бир насли қорамол учун 4 миллион сўмгача, гўшт импортида эса транспорт харажатининг ярмини қоплаш йўлга қўйилди.

Иккинчи чорада 45 минг тонна, йил якунигача жами 130 минг тонна гўшт импорти таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Мутасаддиларга қайси йўналишда тўсиқ бўлса ёки юк тўхтаб қолса, тадбиркорлар муносабат қилишни кутмасдан, онлайн мониторинг орқали тезкор ечим бериш топширилди.

Худудларда 478 минг гектарда озуқа экинлари экилиши режалаштирилган. Лекин Наманганда озуқа ерларининг 74 фоизига ҳалигача экин экилмагани, чорвачиликда имконияти юқори бўлган Зарбдор, Қизилтепа ва Поп туманларида маккажўхори экиш бошланмагани, Амударё, Ғиждувон, Хонқа ва Бағдодда ҳам ишлар қоникмас экин танқид қилинди. Яна 100 минг гектар экин ерини янги тизим асосида аукционга чиқариш белги-

ланган. Мазкур ерларни тезкор аукционга чиқариб, экин экиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Саноат плантациялари ташкил этилган тадбиркорларга имтиёз ва молиявий ресурслар берилаётгани қайд этилиб, вилоят ҳокимларига бу йил камидан 5 тадан йирик саноатлашган мева-сабзавот плантациясини намунали ташкил этиш топширилди.

Йиғилишда саноат ва экспорт масалалари ҳам танқидий таҳлил қилинди. Қамати, Қарши, Миришкор, Арнасой, Шароф Рашидов, Янгибод, Навбахор, Косонсой, Қумқўрғон, Фурқат, Шовот, Шайхонтоҳур ва Сергели туманлари саноат прогнозида чиқа олмагани қайд этилди. Ушбу 13 та туман ҳокимига режага қанча етмаганига қараб интизомий чора кўриш топширилди.

Ички бозорда мис тақлифи кўпайтирилган бўлса-да, қайта ишлаш оймага 6 минг тоннадан ошмаётгани кўрсатиб ўтилди. Оқибатда биринчи чорада электротехника соҳасида саноат ўсиши прогнозидаги 11,2 фоиз ўрнига 7,8 фоизни ташкил қилди, экспорт прогнози эса 57 фоизга бажарилди.

Мутасаддиларга ишлаб чиқариши ва экспорти камайган ҳар бир корхонага бориб, экспортни молиялаштириш ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича муаммоларни жойида ҳал қилиш топширилди. Иккинчи чорақ якуни билан соҳада ишлаб чиқариши 25 триллион сўмга, экспортни 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Корхоналарда ресурс самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Кўп давлатлар саноат ва сервисда "Кайзен", "Lean production" каби прогрессив усулларни қўллаётгани, мамлакатимизда ҳам 50 га яқин тадбиркорлар бундай ёндашувларни жорий этишни бошлагани айтилди. Бироқ бу етарли эмаслиги қайд этилиб, Иқтисодий ва молия вазирлигига бу йил 100 та корхонада самарадорлигини ошириш бўйича илгор дастурларни жорий этиш, бунинг учун 30 миллион доллар грант жалб қилиш топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистоннинг 19 ноябрни «Халқаро ҳужжатли мерос куни» деб эълон қилиш ташаббуси маъқулланди

23 апрель куни ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ижроия кенгашининг 224-сессиясида Ўзбекистон тақлифига кўра 19 ноябрни «Халқаро ҳужжатли мерос куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси бир овоздан маъқулланди.



"Халқаро ҳужжатли мерос куни"ни эълон қилиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти томонидан 2025 йил 30 октябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси очилиш маросимида илгари сурилган эди.

Ҳужжатли мерос — қўлёзмалар, архивлар, кутубхона фондлари, аудиовизуал материаллар ва рақамли ёзувлар — инсоният жамоавий хотирасининг муҳим қисми ҳисобланади. Бироқ ресурслар етишмаслиги, рақамлаштириш имкониятларининг чеклангани, технологик эскириш, иқлим ва бошқа хавф-хатарлар туфайли заиф бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ушбу ташаббус ҳужжатли мероснинг аҳамияти ҳақида глобал хабардорлиқни ошириш, аъзо давлатлар ва ҳамкорларнинг уни асраб-авайлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятини, жумладан, рақамли шаклда кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ЮНЕСКОнинг "Дунё хотираси" дастурининг кўринишини кучайтиришга қаратилган.

Ушбу ташаббус ЮНЕСКОнинг ҳужжатли меросни асраб-авайлаш, ахборотдан фойдаланиш, рақамли трансформация ва барқарор ривожланиш каби соҳалардаги жорий устувор йўналишларига мос келади.

Бу борада Ўзбекистоннинг ташаббуси ЮНЕСКОга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Жумладан, ЮНЕСКОга аъзо 65 та давлат Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган Ижроия кенгаш қарорининг ҳаммуайиллифлари бўлди.

Сессия давомида бир қатор давлатлар вакиллари ҳам Ўзбекистоннинг ташаббусини қатъий қўллаб-қувватлаб, унинг ўз вақтида амалга оширилгани, амалий аҳамияти ва ЮНЕСКОнинг ҳужжатли меросни сақлаш соҳасидаги устувор йўналишларига мувофиқлигини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Президентининг халқаро кунни таъсис этиш ташаббуси ЮНЕСКОнинг таълим, маданият, билим олиш ва инсоният хотирасини асраб-авайлаш соҳаларидаги устувор йўналишларига уйғунлигини, шунингдек, "Дунё хотираси" дастурини мустаҳкамлаш, ҳужжатли меросга халқаро эътиборни кенгайтириш ва унинг муҳофазаси бўйича амалий чора-тадбирларни фаоллаштиришга ҳизмат қилишини қайд этди.

Ҳужжатли мерос нафақат маданий, балки тарихий хотирани сақлаш, миллий ўзлиқни тиклаш, давлатчиликни мустаҳкамлаш ва тарихий адолатни таъминлаш нуқтаи назаридан кенгрок ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга экани алоҳида эътибор қаратилди. Ташаббуснинг ресурслар тақлифига, технологик чекловлар ва иқлим хавф-хатарлари олдига энг заиф бўлган мамлакатлар учун амалий аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Ташкилотнинг белгиланган тартибига мувофиқ, "Халқаро ҳужжатли мерос куни"ни 2027 йил ноябр ойида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 44-сессиясида расмий эълон қилиш белгиланди.

«Дунё» АА. Порж

ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛИШГА ЎРИН ЙЎҚ

Президентимиз раислигида биринчи чорақ якунлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мавжуд вазият танқидий таҳлил қилиниб, йилнинг қолган давридаги устувор вазифалар белгилан берилди.

Муносабат

Бу ерда келтирилган рақамлар иқтисодий таъминотнинг суратлар борлигини кўрсатади. Биринчи чорақ якуни билан ялпи ички маҳсулот 8,7 фоизга, sanoat — 8,1, хизматлар — 16,1, қишлоқ ҳўжалиги 5,1 фоизга ўсган.

Бироқ яши кўрсаткичлар хотиржамликка асос бўлмаслиги керак ва бугунги ҳалқаро рақобат, ташқи иқтисодий босимлар ҳамда ўзгарувчан бозор шароитида ҳар бир раҳбардан эскича ишлаш эмас, аниқ натижа, тезкор қарор ва юқори масъулият талаб қилиниши айна ҳақиқат.



«Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030» стратегияси:

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари. Шу маънода, кейинги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати янада устуворлик касб этиб, йигит-қизлар манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини ифодаловчи кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинган «Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030» стратегияси лойиҳаси ҳам шу йўлдаги ишларнинг мантқий давоми ҳамда ёшларга оид биринчи яхлит стратегия бўлиб, Янги Ўзбекистонни

барпо этишда навқирон авлоднинг ўрни ва салоҳиятини янада тўлиқ рўйбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Хўш, мазкур стратегия ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутади ва унда келажақ авлод вакиллари манфаатларини акс эттирувчи қандай устувор йўналишлар белгиланмоқда?

Шулар хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Учрашув ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТНИНГ САМАРАЛИ ПЛАТФОРМАСИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Тимоти Смарт билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларни атрофлиқ муҳокама қилинди. Хусусан, сиёсий мулоқотни янада фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, таълим ва илм-фан соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамда парламентларо муносабатларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув давомида минтақавий ва халқаро кун тартибидagi

долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонлар "Марказий Осиё — Буюк Британия" мулоқоти каби форматлар муҳим халқаро ва минтақавий масалалар бўйича позицияларни яқинлаштиришда самарали платформа бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди.

Яқунда Ўзбекистон — Буюк Британия муносабатларини янада ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликни аниқ амалий мазмун билан бойитиш ҳамда парламентларо мулоқотни изчил давом эттиришга тайёрилик билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Ўзбекистон экологик барқарорликни шакллантириш бўйича аниқ мақсадли ва тизимли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

ҚАРИЙБ 1 МИЛЛАРД ТУП ДАРАХТ ВА БУТА ЭКИЛДИ:

ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚҰРИГАН ТУБИДА 2 МИЛЛИОН ГЕКТАРДАН Ортиқ МАЙДОНЛАРДА ЎРМОНЗОРЛАР БАРПО ЭТИЛИБ, ЯНГИ «ЯШИЛ БЕЛБӨҒ»ЛАР ЯРАТИЛМОҚДА;

«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА:

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ «ЎРМОНЛАШТИРИШ ВА ЎРМОНЛАРНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР ЎН ЙИЛЛИГИ» РЕЗОЛУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ;

СУВНИ ТЕЖАШ БОРАСИДАГИ КЕНГ КЎЛАМЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР НАТИЖАСИДА ЙИЛИГА 10 МИЛЛАРД КУБМЕТР СУВ ИҚТИСОД ҚИЛИНМОҚДА;

ГЕНЕРАЦИЯ ҚУВВАТЛАРИДА «ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКА УЛУШИ АЛЛАҚАЧОН 30 ФОИЗГА ЕТДИ, ЖОРИЙ ЎН ЙИЛЛИКНИНГ ОХИРИГА БОРИБ ЭСА БУ КЎРСАТКИЧ 50 ФОИЗДАН ОШАДИ.

Президентимизнинг Минтақавий экологик саммитдаги нутқидан.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Экспортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Сўнгги олти ойда 908 та тадбиркор 3 миллиард 600 миллион долларлик шартнома тузган бўлса-да, ҳамкорлардаги вазият ўзгаргани сабабли экспортни бошлаб олмаган. Айрим ҳокимлар эса уларга ёрдам бериш ўрнига вазиятни ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Оқибатда биринчи чоракда экспорт Норин, Касби, Шеробод, Ёзёнов ва Деновда 2 қаррадан зиёд қамайган. Шаҳрисабз, Учқудук, Паркент, Тошкент туманлари, Жиззах, Навоий, Наманган, Ангрен, Бекобод ва Нурафшон шаҳарларида эса экспорт режаси 70 фоизга ҳам етмаган. Ушбу ҳудуд раҳбарлари биринчи ярим йилликда ўсишни таъминламаса, қатъий ҳулоса қилиниши маълум қилинди.

Саноат зоналаридан самарали фойдаланиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бюджет ҳисобидан йўл, электр ва сув

инфратузилмаси олиб борилган 226 та саноат зонасидаги 213 гектар майдонда ҳалигача лойиҳа бошланмагани танқид қилинди. Шу билан бирга, 27 та саноат зонасида лойиҳалар жойлаштирилган бўлса-да, инфратузилма етиб бормаган.

Вилоят ҳокимларининг инвестиция бўйича ўринбосарлари зиммасига инфратузилмаси бор саноат зоналаридаги бўш ерларга жойлаштириладиган лойиҳалар портфелини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Давлат идораларини ихчамлаштириш ва бизнес учун янги майдонлар очиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Туманлардаги марказий кўчалар ва аҳоли гавжум жойларнинг катта қисмида давлат идоралари жойлашгани қайд этилди. "Кўдала тажрибаси" асосида 19 та туман ва шаҳарда давлат идораларини ягона маъмурий марказга кўчириш бошланмоқда.

Мазкур ишларни барча туманларда ташкил этиш орқали давлат идораларида йилига 1 миллиард 800 миллион

киловатт-соат электр ва 340 миллион кубометр газ тежалиши, бизнес учун 5 миллион квадрат метр ҳақиқий мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда беш йиллик дастур тайёрлаш, жорий йил 26 та туманда давлат идораларини бир жойга кўчиришни бошлаш топширилди. Янги маъмурий марказлар қуришда ҳар бир ҳодимга тўғри келадиган майдон ўртача 15 квадрат метрдан ошмаслиги белгиланди.

Инвестиция лойиҳалари сифатига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир янги лойиҳа, ҳар бир доллар сармоя фақат ва фақат қўшилган қиймат, юқори даромадли иш ўрни ва экспортни кўпайтиришга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Барча раҳбарлар учун инвестиция сифати асосий мезон бўлиши шартлиги қайд этилди.

Ушбу лойиҳалар ишга туширилганидан кейин уларни мониторинг қилиш платформаси яратилган. Масалан, охириги уч йилда ишга тушган 688 та корхонадан 210 таси қувватидан тўлиқ

фойдаланмаётгани аниқланган. Оқибатда 33 триллион сўмлик ишлаб чиқариш бой берилган, 23 минг иш ўрни бўш турибди.

Мутасаддиларга ушбу 210 та корхона кесимида "Йўл харитаси" тузиб, муаммолар ечими бўйича аниқ мuddат ва масъулларни белгилаш топширилди.

Жорий йилда 53 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш мақсади қилинган. Президентимиз раҳбарлар биринчи қадамноқ тўғри лойиҳа танлаб, унга мос салоҳиятли инвестор топсагина, инвестицияда сифат бўлишини таъкидлади.

Мутасаддиларга сўнғий интеллект ёрдамида мавжуд қувватлар, ички ва ташқи бозордаги талабни ўрганиб, қайси ҳудудда қандай лойиҳа қилиш бўйича ечим берадиган платформани ишга тушириш топширилди. Инвесторлар ва консалтинг компанияларига ушбу платформадан "ягона дарча" таъминоти асосида фойдаланиш учун шарт шартлар билан шартнома тўлиқ

корхоналар фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Юртимизда 18 мингдан ортиқ бундай корхоналар фаолият юритмоқда. Лекин ишлаб чиқариши бор 526 та корхона бирор марта ҳам экспорт қилмаган. Яна 767 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона фақат четдан товар олиб келиб сотиш билан шуғулланмоқда.

Улар билан ишлаб, четдан маҳсулот олиб келиб сотаётган корхоналарга шу ернинг ўзиде ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар тақлиф қилиш, уларни маҳаллий тадбиркорлар билан боғлаш, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш борадида кооперацияни йўлга қўйиш, ички бозорда ишлаётган корхоналарга экспортга чиқишда қўмак бериш зарурлиги таъкидланди. Мутасаддиларга бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда "Ақли туман" платформаси ва вазият-таҳлил марказлари тажрибасини кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги

ситуацион-таҳлил марказида мазкур платформа қандай ташкил қилингани билан танишгани қайд этилди. Бугун барча вилоят ҳокимлари ушбу туманга бориб, янги тизим қандай ишлаётгани, маҳаллалар қиёфаси ва қурилишлар ҳолати билан танишди.

Вилоят ҳокимлариға икки ойда ушбу тажриба асосида вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда худди шундай ситуацион-таҳлил марказларини ишга тушириш топширилди.

Давлатимиз раҳбари барча даражадаги раҳбарлар бугунги мураккаб вазиятда натижа учун шахсан масъул эканини таъкидлади. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, иш ўринлари яратиш, экспортни кўпайтириш, инвестиция сифати ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиш ҳар бир раҳбар фаолиятининг асосий мезони бўлиши белгиланди.

Йиғилишда вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари тингланди.

Ў.А.

Мулоқот

МАДАНИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамжўжаев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси аъзоси Ан До Голь бошчилигидаги делегация билан учрашди. Унда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш, шунингдек, парламентлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.



Мулоқотда парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва унинг самардорлигини ошириш юзасидан қатор тақлифлар илгари сурилди. Жумладан, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш, олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан қўшма парламент назоратини кучайтириш, қўмиталараро алоқаларни фаоллаштириш масалалари, шунингдек, жорий йил давомида кўзда тутилган қўшма тадбирлар режаларига ургу берилди.

Шунингдек, маданият соҳасида, хусусан, икки мамлакат музейлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича улкан салоҳият қайд этилиб, бу борада худудлар кесимида алоқаларни ривожлантириш учун қўмақлаштириш келиши олинди.

ПЕДАГОГЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институтида таълим тизимидаги раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ўрганиди.

Ишчи гуруҳ аъзолари институт фаолияти, амалга оширилаётган ишлар ҳамда ўқув жараёни билан яқиндан танишди. Хусусан, касбий ривожланиш кўни ҳамда соати доирасида ташкил этилаётган тренинглар, ўқитувчилар малакасини ошириш тизими, шунингдек, менежерлик курсларини йўлга қўйиш ва улар орқали таълим сифатини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Соҳага оид метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан асосли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Рақамлаштириш йўналишида ишлаб чиқилган тақдимотлар кўздан кечирилиб, уларни янада такомиллаштириш бўйича фикр билдирилди.

Ўрганиш жараёнида сенатор малака ошириш курсларида иштирок этаётган тинловчилар, жумладан, худудий педагогик маҳорат марказлари ўқитувчилари ва менежерлик курсида таҳсил олаётган мактаб директорлари билан мулоқот қилди.

Суҳбат давомида таълим тизимини янада ривожлантириш, ўқитувчилар касбий салоҳиятини ошириш ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этишга қаратилган қатор тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, уларнинг самардорлигини ошириш ва тизимли ҳамкорликни кучайтириш мумкин экани таъкидланди.

МАҲАЛЛАЛАРДА ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА МУҲИТ ЯРАТИШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сергели туманида жиноятчилик ҳамда коррупцияга қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати муҳокама этилди.

Кўшма йиғилиш

Мажлисида Олий Мажлис Сенати ҳамда маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари аъзолари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва худудий давлат органлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фуқаролик жамияти институти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Айтилганидек, давлатимиз раҳбарининг "Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча

ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛИШГА ЎРИН ЙЎҚ



Демак, кредит фақат маблағ ажратиш эмас, балки янги иш ўрни, ишлаб чиқариш, даромад ва солиқ базасини кенгайтириш воситаси бўлиши лозим. Шундай экан, банкларда "Сўнғий интеллект маслаҳатчиси" платформасини ишга тушириш, лойиҳаларини бозор талаби, риисклари ва иқтисодий самардорлик асосида таҳлил қилиш ташаббуси муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда кўтарилган масалалар бир ҳақиқатни кўрсатди: энди асосий мезон қабул қилинган қарор ёки ажратилган маблағ эмас, унинг ҳаётдаги самараси бўлиши шарт. Мисол учун, кредит иш ўрнига айланиши, электр энергияси эса барқарор ва исрофсиз етказилиши керак. Ҳамма нарса ўз ўрнига қўйилса, ишда силжиш бўлади ва бу рақамларда акс этади. Айнан рақамлар ўсиши аҳоли даромади, тадбиркор фаолияти ва қўндалик ҳаёт сифатида сезилсагина ҳақиқий натижага айланади.

Йиғилишда кўтарилган яна бир муҳим йўналиш — инфляцияни жиловлаш масаласи. Чунки иқтисодиёт ўсгани билан, агар нархлар ҳам ошиб бораверса, аҳоли ва тадбиркорлар бу ўсишни ўз ҳаёти-



Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

да сезмайди. Шу боис "ис-теъмом савати"даги маҳсулотлар тақлиф олиш ва ички бозордаги талабни ўрганиб, қайси ҳудудда қандай лойиҳа қилиш бўйича ечим берадиган платформани ишга тушириш топширилди. Инвесторлар ва консалтинг компанияларига ушбу платформадан "ягона дарча" таъминоти асосида фойдаланиш учун шарт шартлар билан шартнома тўлиқ

Албатта, белгилаб берилган вазифаларнинг ўз ўрнида адо этилиши юрдошларимизнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунининг ҳам фаровон бўлиши учун хизмат қилади.

Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

Сенатор ва ёшлар

ҲАМ ИМТИЁЗ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Тошкент архитектура-қурилиш университетиде ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий муаммолари ва тақлифларини ўрганишга қаратилган "Сенатор ва ёшлар" мавзусида очик мулоқот ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхорова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши вакиллари, Касбий таълимини ривожлантириш институти ходимлари, Ёшлар парламенти аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари ва университет талабалари иштирок этди.

Учрашувда асосий эътибор ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашда замонавий ёндашувларга қаратилди. Сенатор ўз нутқида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, хусусан, ёш авлоднинг сифатли таълим билан қамраб олиш, замонавий касб-ҳунарлар-

га ўқитиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотларга ҳамда тўхтади.

Шунингдек, "Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030" стратегиясининг мазмун-моҳияти атрофида тушунтирилди. Сенатор бугунги кунда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар нафақат имтиёз, балки юрт равнаки йўлидаги катта масъулият эканини таъкидлаб, йигит-қизларни сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга ва ижтимоий ташаббускорликка чорлади.

Талабалар ўзларини қизиқтирган долзарб масалалар, хусусан, талаба-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бериладиган имтиёзлар юзасидан сенаторга муражаат қилиб, улар бўйича батафсил жавоб олди.

«Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030» стратегияси:

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Глобал қаҳириқларга оқилона жавоб

Отабек СОБИТОВ, Ёшлар парламенти раиси:

— Мамлакатимиз тарихида эртанимиз эгаларига оид биринчи яхлит концептуал ҳужжат — "Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030" стратегияси миллий тараққиётнинг стратегик "Йўл харитаси". Йигит-қизларни мамлакатни модернизация қилишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, инновацион ва институционал ислохотларнинг фаол субъекти сифатида эътироф этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўзининг демографик тузилмасига кўра ноёб имкониятлар даврини бошдан кечирмоқда. Иқтисодиёт тилида бу ҳолат "демографик дивиденд" деб аталади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимиз аҳолиси 38 млн. нафарни ташкил қилаётган бўлса, шундан 9,5 миллиони ёки қарийб 25 фоизи 14 — 30 ёшдаги йигит-қизлардир. Ҳар йили 270 мингта ёш оила шаклланади. Ана шу демографик омил ёшлар сиёсатида узоқ муддатли ва тизимли ёндашушни талаб этмоқда. Ушбу ул-

кан демографик тўлқин тўғри бошқарилса ва мақсадли йўналтирилса, яқин ўн йилликларда иқтисодиётда мисли кўрилмаган ўсишни таъминлаш мумкин.

Демак, аҳолининг қарийб ҳар тўртинчи аъзоси ёшлар тоифасига кирадиган мамлакатимизда бандлик масаласи шунчаки иқтисодий кўрсаткич эмас, балки миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликнинг таянч масаласидир. Стратегия ана шу глобал қаҳириқларга оқилона жавобдир.

Эътиборлики, мазкур стратегияда ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, сифатли ҳамда инклюзив таълимни ривожлантириш, хорижий тилларни омдалаштириш ва касбий таълимни кенгайтириш, меҳнат бозорини рағбатлантириш ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишлар белгилаб берилганлиги, уларнинг ижроси, аввало, навқирон авлоднинг билимли, соғлом, ташаббускор ва ватанпарвар бўлиб камол топиши, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади. Ўз навбатида, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон сахнасида рақобатдош, интеллектуал кудратли давлат сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Кўп қиррали комплекс ёндашув

Шохрух УҚТАМОВ, Ёшлар парламенти раиси ўринбосари:

— Бугун инсон капитали глобал тараққиётнинг ҳал қилувчи омилга айланиб бораётган бир пайтда давлатларнинг рақобатдошлиги, эртанги тақдирини, аввало, уларнинг ёш авлодга нисбатан олиб бораётган сиёсати ва стратегик ёндашувлари билан белгиланмоқда. Шу боис стратегия йигит-қизларнинг бандлиги, таълим сифати, ижтимоий фаоллиги, соғлом турмуш тарзи ҳамда фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга қаратилган кўп қиррали комплекс ёндашув, десак, муволафа бўлмайди.

Айниқса, улар манфаатларини ифодолувчи платформа сифатида фаолият юритаётган Ёшлар парламенти нуктаи назаридан қаралганда, ушбу стратегия навқирон авлод ташаббуслари, фикр ҳамда тақлифларини давлат сиёсати билан интеграциялаш, уларни қарорлар қабул қилиш жа-



раёнининг бевосита иштирокчисига айлантиришда муҳим сиёсий инструмент вазифасини ўтайди. Бу, ўз навбатида, очик мулоқот, ҳисобдорлик ва инклюзив бошқарув тамойилларини мустаҳкамлаш орқали жамиятда янги сиёсий маданиятни шакллантириш имконини беради.

Дарвоқе, энг муҳим ташаббуслар қаторида Миллий ёшлар индексини жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, бу келажакни аниқ кўрсаткичлар орқали қириш, йигит-қизлар ҳаётининг турли жаҳалларини комплекс баҳолаш имконини беради. Таълим, бандлик, соғлиқ, ижтимоий фаоллик, рақамли кўникмалар каби йўналишлар бўйича аниқ индикаторлар асосида шаклланидиган тизим орқали ёшларнинг реал ҳолатини чуқур таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Ёшларда гоё кўп, лекин уларни амалиётга олиб чиқиш механизми мураккаб эди. Стратегиядан келиб чиқиб "Янги авлод тадбиркорлари" дастури доирасида 1 мингта бизнес лойиҳани қўллаб-қувватлаш режалаштириладиган диққатга сазовор. Ёшларга оид ташаббуслар жуда кўп. Муҳими, стратегия имкониятлар яратишга қаратилган муҳим қадам бўлади, имкониятларни эса реал натижага айлантиради.

Энг тўғри ва истиқболли танлов

Шерзодхон ИСЛОМОВ, Ёшлар парламенти раиси ўринбосари:

— Глобал ўзгаришлар даври шуни исботладики, эртанимиз эгаларига йўналтирилган ҳар қандай сармоя — энг тўғри ва истиқболли танлов ҳисобланади. Мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнида ёшлар сиёсати аниқ ҳаракатлар стратегиясига айланди. Шу маънода, стратегия миллионлаб йигит-қизларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятли.

Масалан, 20 минг ёш тадбиркорнинг Гарвард ва Стэнфорд каби жаҳоннинг топ-бизнес мактаблари дастурлари асосида ўқитилишини олайлик. Бу — миллий менежерлар ҳамда тадбиркорларнинг янги авлодини шакллантириш демак. Мазкур қадам иқтисодиётга халқаро бошқарув стандартларини олиб киради.



Бундан ташқари, иқтисодий имконият ва бандлик йўналишида электрон платформалар орқали йилига 600 минг йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш вазифаси белгиланди. Бу ишсизлик муаммосини рақамли технологиялар ёрдамида тизимли ҳал этишининг замонавий модели бўлиб, ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини кафолатлайди. Шунингдек, ҳар йили 10 мингта ёш оилани ипотека асосида уй-жой билан таъминлаш жамиятининг энг муҳим бўғинини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биз, Ёшлар парламенти аъзолари, ушбу тарихий янгиланишнинг амалиётга изчил татбиқ этилиши, уларнинг мазмун-моҳиятини тенгдошларини ўртасида кенг тарғиб қилишда бор билим ва салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

«Халқ сўзи».

Президентимиз томонидан имзоланган қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартнома (Будапешт, 2025 йил 20 май) ратификация қилинди.

БИРДАМЛИК РАМЗИГА АЙЛАНГАН ШАҲАР



Ушбу "Матонат монументи" 60 йил олдинги халқимизнинг жасоратини эслаб туради.

Ақил МУҲАММАДОВ олган сурат.

1966 йил 26 апрель, тонг саҳар. Тошкент аҳолиси ширин уйқуда. Соат 5 дан ўтпти. Яна бир неча ўн дақиқалардан кейин даҳшатли ер силкиниси рўй бериши ҳеч кимнинг ҳаёлида ҳам йўқ, тушига ҳам кирмаган... Бу даҳшатли воқеа ва ундан кейинги қурилиш-бунёдкорлик ишларини Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси, "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Рустам КАЛОНОВ шундай эслайди:

Ўтмишга назар

— Мен ўша пайтда 16 ёшда бўлганман, юз берган воқеалар кечагидай эсимда. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида яшар эдик. Саҳар пайти ниманингдир қаттиқ гумбура-лашадан чўчиб уйғондик. Биз нима бўлганини англолмай, ҳайрон эдик. Орадан 10 — 20 дақиқалар ўтганидан кейин ер силкни бошлади, Аловиддинхўжа бобом, буларни олдиндан билганими ёки кўнглида бирор безовталик бўлганими, ҳаммаимизни уйдан чиқариб, ҳовлидаги супага йиғди, кўрпа-тўшакка ўтиргизиб, ҳеч қайқа жилмаслигимизни тайинлади, ўзи ҳовлиқанча маҳаллага чиқиб кетди...



дан вафот этганлар ҳам бўлган. Эсимда, зилзиладан сўнг собиқ иттифокнинг партия ва ҳукумат раҳбарлари зудлик билан Тошкентга етиб келишди. Энг қизиқи, бу ёқда фожиа рўй берган, халқимиз эса Москвадан келган казо-казоларни, қурувчиларни қарнай-сурнай садолари остида кутиб олишган.

Кидирув-қутқарув ишлари кўздан кечирилган, Тошкентни қайта тиклаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича махсус давлат комиссияси ташкил этилди. "Барча халқлар биргалиқда Тошкентни тиклайди!" шiori ўртага ташланди, иттифокдош республикалардан жуда кўп одам Тошкентга жўнатилди. Уларнинг асосий қисми ўрта ёшли эркек-аёллар, ёш йигит-қизлар эди. Шу тариқа кенг кўламли қурилиш ҳаракатлари бошланди.

Тошкентга палаткалар, дори-дармонлар, санаят ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, турли техника воситалари олиб келинди. Уйи бузилганми-бузилмаганими, бундан қатъи назар, эски шаҳарнинг кўпчилиги аҳолиси Киров (ҳозирги Дўстлик) боғи, Алишер Навоий театри (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри — муаллиф) майдонларига, пиёдалар йўлаги ва шаҳар хиёбонларидаги майсалар устига қурилган палаткаларга кўчирилди. Сув қувурлари тармоғи фаолияти йўлга қўйилди, электр энергияси узилтирилди.

«Барча халқлар биргалиқда Тошкентни тиклайди!»

Ўша пайтда пойтахтда бир ярим миллион аҳоли яшаган бўлса, зилзила натижасида 300 мингдан зиёд одамлар ёки 78 минг оила бошпанасиз қолган. Зилзила эпицентри шаҳарнинг собиқ Қашқар маҳалласи ва Лабзак ўрнида деб белгиланган. Ушбу марказий қисмдаги зилзила ўчоғи — ер тагида 3 километрдан 8 километргача бўлган нисбатан кичик чуқуриликда, деб кўрсатилди, магнитудаси 5,1-5,5 баллга етган, дең қайд этилган. Сейсмик тебранишлар кўпроқ вертикал бўлганига қарамай, эски пахсали уйлар тўлиқ бузилмагани ҳужжатларда баён қилинган. Демак, зилзиладан эски шаҳар тўлиқ вайрон бўлиб кетмаган.

Расмий маълумотларда бу зилзиладан 200 нафарга яқин одамлар жароҳат олгани, 8 киши қурбон бўлгани айтилади. Лекин ўша пайтда давомли силкинилар кузатишдан, кўрқув ёки юрак хуружи-

кўтарди. 1968 йилга келиб Тошкент деярли қайта қуриб битказилди. Шаҳарнинг чекка ҳудудларида бутун бошли мавзелар пайдо бўлди, бузиллиб кетган кварталлар қайтадан тикланди. Йўлдош шаҳар — Сергели туманига асос солинди. Мактаблар, маданий-маиший ва маъмурий бинолар барпо этилди. Шаҳарни тиклашга ёрдам бериш учун келган қурувчиларнинг катта қисми шу ерда яшаб қолди. Оқибатда мазкур кент майдони кенгайди ва аҳолиси жуда қисқа вақтда 1,5 баробарга кўпайди.

Тошкентни қайта қуришга бошқа республикалардан жалб қилинган қурувчилар, асосан, шаҳар маркази ҳамда Миробод туманидаги қурилиш ишларини олиб борди ва шу ҳудудда ўтроқ бўлиб қолди. Украина, Беларусь, Арманистон, Грузия, Кавказ ва Болтиқбўйи республикалари қурувчилари шаҳарнинг марказий ва шарқий қисмида жойлашди.

Ҳовли-жойлари бузилишга тушган маҳаллий аҳолининг бир қисми янги қурилган кўп қаватли уйлардан ўзларига ажратилган хонадонларга кўчиб ўтган бўлсалар-да, серфарзанд оилаларга "дом"ларда яшаш маъқул бўлмаган. Шунинг учун уларга шаҳарга ёндош ҳудуддан 4 сотихдан ер, қурилиш материаллари берилган. Ҳозир ҳам ўша томонда аҳоли тилида "штаб" деб аталадиган жой бор. Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидовнинг шахсан ўзи ана шу "штаб"да қурилиш материалларини аҳолига етказиб беришга бош-қош бўлган.

«Буларни эслаб қол...»

Бир куни Аловиддинхўжа бобом мени Тошкентни айлантиришга олиб чиқди. Тошкент улкан қурилиш майдонига айланган, ҳамма ёқда иш қизғин. Кўпчилик "Бола-лар дунёси" деб биладиган жойда тошкентлик Орифхўжабой қурдирган "Гастроном", "Универмаг" ва каттагина боғ бўлган. "Нуроний" жамғармаси шаҳар кенгаши жойлашган бино Тўхтабўйвачанинг меҳмонхонаси бўлган. Унинг нариги томонида қолғай, маданий-маиший муассасалар жойлашган. Зилзила уларга умуман таъсир қилмаган. Шундай бўлса-да, бу биноларнинг ҳаммаси ҳарбийлар кўмағида танқлар билан бузиб ташланди. Фақат мана шу Тўхтабўйвачанинг меҳмонхонаси сақлаб қолинган. Зилзила маркази бўлган Қашқар маҳалласи эса ер билан битта қилиб текисланган. Аловиддинхўжа бобомнинг мен-

га шуларни бирма-бир кўрсатиб: "Буларни эслаб қол, эртага тарих учун керак бўлади", деганлари эсимда.

Зилзиладан кейин 1971 йилда янги бош режа (генплан) қабул қилинди. Шу асосда Тошкент замонавий, кенг қўчалар, кўп қаватли тураржойлар, ижтимоий объектлар ва зилзилабардош иншоотларга эга пойтахт сифатида қайта барпо этилди.

Юксалишнинг янги даври

Ҳозир Ўзбекистонда 130 га яқин миллат вакиллари дўст-биродар бўлиб тинч-осойишта яшяпти. Бу — халқимизнинг бағрикенглигидан далолат. Тошкент чинакам бирдамлик рамзига айланган.

Сўнги йилларда бош кентимиз юксалишнинг янги даврини бошидан кечиряпти. Тошкент зилзиладан кейин шошилинч равишда қурилган, куш парвози баланглиқидан қараганда ғариб ва ҳазин таассурот уйғотадиган бир хил кўринишдаги 4-5 қаватли уйлар ўрнини маҳобатли бинолар эгалламоқда. Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, Янги Тошкентнинг барпо этилаётган пойтахтимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юрди, десак, муболага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг "Янги Ўзбекистонни мард ва жасур халқимиз билан биргалиқда қура-миз!" деган ғояси асосида исло-

Бундан 60 йил муқаддам пойтахтимизда рўй берган мудҳиш зилзила-ни эслар эканмиз, тарих сабоқларидан хулоса чиқарган ҳолда инсон умри фарзандлар, авлодлар фаровонлиги учун қурашдан иборат эканини ҳис қиламиз. Ватанимиз мустақиллигининг қўлтуғ 35 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик қўрилаётган бир пайтда барча эзгу ишлар фақат ва фақат халқ бирдамлиги, мамлакат раванқи, ёшларимизнинг бахту саодати учун эканини яна бир бор чуқур англаб етамиз.

хотларга кенг йўл очилди. Тадбир-корлар Президентимизга қўшқанот бўлди, улкан ва мухташам "сити"-лар қад кўтарди. Шаҳар ўртасида қолиб кетган кўрмисиз ўқчи маҳалласининг бугунги қиёфаси — "Тошкент сити"га бир қаранг. Бугун дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар бу жойни кўриб, завқланишди. Ёки Эски шаҳарда кўрк ва салобат тўкиб турган Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази, Зарқайнар кўчасидаги хунармандлар масканига қадам ранжидан қўлган меҳмонлар афсонавий эртақлар масканига кириб қолгандай ҳис этади ўзларини. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон деган муқтақил давлатни жаҳонга танитди.

Ҳозир пойтахтимизнинг "кондиционер"и — шамол йўли бўлган Чирчиқ дарёсининг атрофи ободонлаштирилиб, унинг қирғоғи бўйлаб ашил майдонлар барпо этиляпти. Президентимиз топшириқ билан 2 йил илгари бошланган сая-ҳаракатлар Тошкентдаги мавжуд ариқларда сув айланишини таъминлашга қаратилган. Ариқлар тикланса, бу шаҳардаги микроклимни сақлаш имконини беради. Шу билан бирга, Тошкентнинг 4 томонида сунъий кўллар мавжлашиб туради. Ана шунда шаҳар нафас олади, об-ҳавоси тозаланади. Бундай бунёдкорлик жараёнлари, яшил боғлар ташкил қилиш ишлари Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида давом этапти.

Бундан 60 йил муқаддам пойтахтимизда рўй берган мудҳиш зилзила-ни эслар эканмиз, тарих сабоқларидан хулоса чиқарган ҳолда инсон умри фарзандлар, авлодлар фаровонлиги учун қурашдан иборат эканини ҳис қиламиз. Ватанимиз мустақиллигининг қўлтуғ 35 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик қўрилаётган бир пайтда барча эзгу ишлар фақат ва фақат халқ бирдамлиги, мамлакат раванқи, ёшларимизнинг бахту саодати учун эканини яна бир бор чуқур англаб етамиз.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

ЯПОНИЯДА «ПАРРАНДА ГРИППИ»

"Куодо" нашрида хабар беришларича, 32 та паррандачилик фабрикаси атрофида 10 километр радиусда тақиқланган ҳудудлар белгиланди. "Парранда гриппи" кенг тарқалган Аомори префектурасида 230 мингта товуқни йўқ қилишга киришилди.

Экспертлар касаллиқнинг тарқалиш эҳтимоли иқтисодига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлигиндан хавотир билдирапти. Нархлар ўтган йилдагига нисбатан 76 фоиз ошган. Истеъмолчилар орасида саросима пайдо бўлгани муносабати билан Токиодаги айрим супермаркетларда туҳум сотиб олиш бўйича чекловлар жорий этилган.

МАМЛАКАТНИНГ ҲАРБИЙ-МУДОФАА КОНЦЕПЦИЯСИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Германия мудофаа вазири Борис Писториус 22 апрель куни Берлин шаҳрида мамлакатнинг ҳарбий-мудофаа концепциясини тақдим этди.

Мазкур ҳужжат Германия Федератив Республикаси тарихидаги илҳ ҳарбий стратегия ва қуролли қучларни ривожлантириш режасини ўз оғига олади. "DW"да хабар беришларича, бу икки ҳужжатга оид деталлар махфийлаштирилган, аммо Мудофаа вазирилик мамлакатга таҳдид туғдираётган биринчи рақамли давлат номини очик эълон қилган.

ИШДАГИ ХАВФЛАР ТУФАЙЛИ СОҒЛОМ ҲАЁТ БОЙ БЕРИЛМОҚДА

БМТнинг Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоботида айтилишича, жаҳонда ҳар йили 840 мингдан ортиқ кишилар ишдаги психосоциал хавф-хатарлар туфайли вафот этмоқда. Бунга узок иш вақти, иш жойидаги хавфсизлик масаласи ва тайинликлар сабаб бўлаётди.

Ҳисоботга кўра, ишдаги руҳий босимлар, асосан, юрак-қон томир касалликлари ва руҳий бузилишларга сабаб бўлади. Аянчлиси, бу ҳолатлар хатто ўз жонига қасд қилишгача олиб бормоқда. Ташкилот вакили Манал Аззининг таъкидлашича, ишдаги руҳий муҳитни яхшилаш нафақат ходимлар ҳимоясини кучайтиради, балки иш унумдорлигини ва иқтисодий ривожланишни ҳам яхшилайди.

МИЛЛИАРДЕРЛАР КЎПАЙМОҚДА

"Knight Frank" халқаро кўрмас мулк агентлиги таҳлилга кўра, миллиардерлар сони 2031 йилга бориб 4 минг нафаргача етиши мумкин.

Компаниянинг тадқиқотлар бўйича раҳбари Лиам Бейлиннинг айтишича, миллиардер ва миллионерлар бойлиги теология, айниқса, сунъий интеллект соҳасидаги даромадлар ҳисобига кескин тезлашган. Айни дамда дунёда 3 110 нафар миллиардер бор. Бу кўрсаткич кейинги беш йил ичида 25 фоизга ошиб, 3 915 нафарга етади. Шунингдек, камида 30 миллион доллар бойликка эга бўлган миллиардерлар сони ҳам тез суръатда ортмоқда. Бу жараён бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовут кенгайиб бораётган бир пайтга тўғри келмоқда.

"World Inequality Lab" ҳисоботида айтилишича, дунё аҳолисининг атиги 0,001 фоизи (60 минг)ни ташкил этувчи одамлар бутун инсониятнинг энг камбағал ярмига қараганда уч баравар кўпроқ бойликка эга.

КЕСКИН ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ

Буюк Британия парламентининг Жамоалар палатаси ҳамда Лордлар палатаси тамаки ва вейплар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг якуний версияси бўйича бир тўхтамага келди. Ҳужжат қирол Чарлз III томонидан имзоланиши керак. Шундан сўнг у тўлиқ қонунга айланади.

Янги қонунга кўра, 2027 йил 1 январдан бошлаб Буюк Британияда 2009 йил 1 январда ёки ундан кейин тутилган барча фуқароларга тамаки маҳсулотларини (сигарета, сигара, ўрама тамаки ва бошқалар) сотиш умрбод тақиқланади. Яъни қонун қучга кирган пайтда 17 ёш ва ундан кичиклар ҳеч қачон мамлакатда тамаки маҳсулотларини қонунан сотиб ололмайди.

Ҳар йили ёш чегараси келажак авлодлар учун доимий бўлмаганча автоматик равишда бир йилга оширилади. Қонун, шунингдек, электрон сигареталар ва вейпларни тартибга солишни сезиларли даражада кучайтиради.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МУҲОЖИРЛАР СОНИ РЕКОРД ДАРРАЖАГА ЕТДИ

Миграция тадқиқотлари ва таҳлили маркази томонидан "Rockwool Foundation Berlin" хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган ҳисоботга кўра, 2025 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида 64,2 млн. муҳожир истиқомат қилган.

Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 2,1 миллионга ошиб, рекорд даражага етган. 2010 йилда ЕИДА муҳожирлар сони қарийб 40 миллион нафар бўлган.

Ҳисоботда қайд этилишича, Германия энг кўп мигрантлар яшайдиган давлат бўлиб қолмоқда. Франция ва Испанияда ҳам уларнинг сони ошган.

«СУПЕР ОТА»

"South China Morning Post" нашрида ёзишларича, Хитойдаги мактабнинг 52 ёшли жисмоний тарбия ўқитувчиси Бай Цзян 267 нафар асранди болани вояга етказиб, "супер ота" лақабиغا сазовор бўлди. Бай Цзяннинг уйда доимий равишда 30 нафаргача бола истиқомат қилади. У 46 ёшида турмуш қурган, 2020 йилда ўз фарзанди дунёга келди.

Бунгача қарамоғиди болалар жуда кўплиги учун ҳеч бир аёл унга турмушга чиқшини истамасан. Цзян асраб олган болалар улғайиб, профессионал спортчилар, давлат хизматчилари ва ўқитувчилар бўлиб етишди. Хусусан, болаларнинг юздан ортиги олий маълумотли, 50 нафари эса спорт устаси деган номга сазовор.

У фарзандлари 20 йил давомида мусобақаларда кўлга киритган 1300 дан зиёд медалларни кўз қорачигидек асраб қолмоқда.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТУЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Фикр

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭКОЛОГИК ДИПЛОМАТИЯСИ СИФАТ БОСҚИЧИДА

Бугунги кунда иқлим ўзгаришларининг салбий таъсири бутун дунёда сезилаётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг экологик дипломатияси фаол ва навилаётган тус олмақда. Илгари сурилаётган ташаббуслар реал лойиҳаларга, миллионлаб даракларнинг ўсишига ва янги авлод энергия тизимларининг шаклланишига асос бўлмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг табиатга масъулиятли муносабати ва келажак авлод олдидидаги бурчини англатиши билан бирга, минтақавий бирдамликни мустақамлашда муҳим ўрин тутаяди.

Остона шаҳрида бўлиб ўтган Минтақавий экологик саммит Марказий Осиё давлатларининг экологик хавфсизлигини таъминлашдаги бирдамлигини кўрсатди. "Барқарор келажак учун умумий нигоҳ" бош ғояси остида ўтган мазкур форум Самарқанд иқлим форумининг мантқиқий давомий бўлиб, минтақа экологик дипломатиясининг янги сифат босқичига чиққанини тасдиқлайди.

Саммитда Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар минтақа давлатларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тароқ ҳаракатларини бирлаштириш ва уларга тизимли тус беришга қаратилгани билан эътиборга молик.

Хусусан, "Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси" консорциуми, чўлланиш ва чанг бўронларини кузатувчи минтақавий марказ ҳамда "яшил савдо йўлаги" каби лойиҳалар саноатни модернизациялаш ва экологик маҳсулотлар айланишини соддалаштириш орқали иқтисодий ўсиш билан табиатни муҳофаза қилишни уйғунлаштиради.

Шунингдек, ягона инвестиция портфели ва минтақавий атласнинг яратилиши барча ташаббусларни аниқ илмий маълумотлар ва молиявий режалар асосида, узок мудатли стратегик мақсадлар билан амалга ошириш учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи томондан, бу тақлифлар биологик хилмаҳилликни сақлаш ва ёш авлоднинг экологик қун тартибига фаол жалб этиш орқали барқарор келажак пойдеворини қуришни мақсад қилган. "Марказий

Осиё Қизил китоби"нинг яратилиши ноёб табиат бойлиқларини асрашда умумий масъулиятни шакллантирса, 2027 йилда ўтказилиши режалаштирилган Бутунжаҳон ёшлар иқлим форуми келажак етакчиларини ушбу глобал масалаларга жалб этишда муҳим платформа бўлади.

Бугун замонавий экологик таҳдидлар минтақамиз барқарорлигини синовдан ўтказмоқда. Бирок Ўзбекистон илгари сураётган бу ташаббуслар мавжуд хавф-хатарларни янги "ўсиш нукталари"га, технологик янгиланиш ва иқтисодий фаровонлик омилларига айлантириш имконини беради.

Ушбу масалалар, ўз навбатида, парламентнинг ҳам доимий эътиборида бўлиб, ўтган даврда бу борада қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Марказий Осиё давлатларининг бирдамлиги, кўп асрлик яхши қўшничилик аънавалари ва қатъий сиёсий иродаси минтақамизни экологик фаровонлик маконига айлантиришнинг энг ишончли кафолатидир. Қисқача айтганда, "Барқарор келажак" шунчаки широк эмас, балки бизнинг бугунги амалий ҳаракатларимиз натижаси бўлиши керак.

Мавлуда АДЖАМХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



ТАЖРИБА, КРЕАТИВ ҒОЯ ВА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАР УМУМЛАШГАН ЛОЙИҲА

Қашқадарё вилоятида ўтказилган медиахафалик нафақат ўқув-семинар, балки ҳудудий медиани янгилашга қаратилган ижодий лабораторияга айланди. Тадбирлар аънаванавий ўқитиш тизимидан воз кечилиб, амалий ечимларга йўналтирилгани билан ажралиб турди. Беш кунлик дастур доирасида воҳанинг ахборот маконига янги ғоялар билан кириб кела оладиган жамоа шаклланди.

Медиахафалик

Иштирокчилар ўз соҳаси йўналишидан келиб чиққан ҳолда маълумотларга жалб қилинди. Хусусан, ахборот хизмати ходимлари инкирози вазиятларда ишлаш ва имиж стратегиясини қайта кўриб чиққан бўлса, тележурналист ва техник ходимлар замонавий репортаж мароми ҳамда кадрлар динамикасини ўзгартириш устида ишлашди. Босма ва интернет ОАВ вакиллари контентнинг SWOT-таҳлили орқали ўқувчини қайтартириш йўллари излашди. Блогер ва мобилограф ҳамда SMM мухтаассислари эса янги медиатрендрлар ва алгоритмлар сирини ўзлаштиришди.

Шунингдек, иштирокчилар сунъий интеллект ёрдамида видео яратиш, матнларни генерация қилиш ва энг муҳими, фейк хабарларни сониялар ичида аниқлаш бўйича "нейро-қўнқималар"ни амалиётда синаб кўрди. Бу Қашқадарё медиа вакилларининг глобал ахборот маконига рақобатбардошлигини таъминлайдиган муҳим билимлардир.

— Бугун барча соҳада бўлгани каби маълумотлар, ахборотларни тайёрлаш йўналишида ҳам замонавийлашув жараёнлари кечмоқда, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Собир Разиёев. — Машгулотларда матн, фото ва видеоматериаллар билан ишлаш, соҳада қўлланилаётган кўп қаватли дастурлар ва уларнинг имконияти ўзлаштиридик.

Янги хабарни олиш ва узатишда тезкорлик муҳими ёки унинг тўғрилиги? ОАВнинг салоҳияти унинг кўп ахборот узатишида кўрнаними ёки сифатли ахборот беришида? Телепорталларни тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш керак? Тасвирларни монтаж қилишда ҳозир қайси дастурлар энг самарали? Жаҳонда энг машҳур SMM менежерларининг ютуғи нимада?

Ўқув машгулотларида иштирокчилар бу борадаги саволларга ҳам назарий, ҳам амалий томондан аниқ ва асосли жавоблар олдиди. Якуний медиафорумда 500 нафарга яқин иштирокчилар ҳам бўлди. Журналистлар, матбуот котиблари, ижтимоий тармоқ фаолларининг эътироф этилишича, мазкур лойиҳа Қашқадарё вилояти медиа ижодкорлари учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очди.

Медиахафалик доирасида жами 900 га яқин иштирокчилар қамраб олинди.

Жаҳонир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

